

Хозирги давр ўзбек шеъриятининг порлок юлдузларидан бири истеъдодли шоир Эркин Вохидовдир. У 1936 йилнинг 28 декабрида Фаргона вилояти Олтиарик туманида ўқитувчи оиласида дунёга келган. Эркин Вохидовлар оиласи 1945 йилда Тошкентга кўчиб келгач, бўлгуси шоир шу ерда ўрта маълумот олади.

1960 йилга келиб, у Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факултетини тугатади, сўнгра турли нашриётларда мухаррирлик килади. Аввал «Ёш гвардия» нашриётида (1960—1963, 1975—1982), сўнг Гафур Гулом нашриётида (1963—1970) бош мухаррир, директор бўлиб ишлайди. Айни чоғда «Ёшлик» ойномасига бошчилик ҳам килади. У КПСС сафида бўлган ва кейинчалик ундан воз кечган. Хозирги кунда эса у Ўзбекистон Республикаси халқ ноиб сифатида Олий Кенгаш раёсати Ошкоралик кўмитаси раҳбаридир. У Республика адаблар иттифоқи бошлиғи ҳамдир. У адабиётимизнинг кутлуг даргоҳига ўша ўрта мактаб кучогидалигидаёқ ўзининг бегубор, мазмундор шеърлари билан кириб келган. Шоир Гайратий раҳбарлик қилган адабий тўғаракларда пишган, чиниккан. Унинг биринчи шеърий тўплами 1961 йилда «Тонг нафаси» номи билан босилиб чиккан эди. Шундан буён шоирнинг ўттиздан ортиқ шеърий мажмуалари ўз ўқувчисига етиб борган. Жумладан, шоирнинг «Кўшиқларим сизга» (1962), «Юрак ва ақл» (1963), «Менинг юлдузим» (1964), «Нидо» (1965), «Лирика» (1965), «Палаткада ёзилган дoston» (1967), «Ёшлик девони» (1969), «Чароғбон» (1970), «Дostonлар» (1973), «Хрзирги ёшлар» (1971), «Мухаббат», «Тирик сайёралар» (1980) қабл шеърий гулдасталари ва дostonлари ўз китобхонига манзур бўлади. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, шоир шеърияти ўзининг икки муҳим хусусияти билан ўзга тенгдош шоирлар ижодидан фарқланиб туради. Аввало, Эркин Вохидов — шоир деганда классик адабиётимизнинг минг йиллик гўзал ва бой анъаналарини хозиря даврда янги поғонага кўтараётган фалсафий шоир кўз ўнгимизда намоен бўлади. Колаверса, инсон ва жамият муаммоси шоир шеъриятининг бош ўзагини ташкил этади. У хох табиат хақида, хох мухаббат хақида, хох пахта ва пахтакор хақида, хох хорижий мавзуда бўладими ҳамма-ҳамма ўринда жамият тақдири, инсон келажаги хақида ўзининг фалсафий мушоҳадаларини ўртага қўяди. Шоир «Инсон» шеърида:

Собиту сайёрада инсон ўзинг, инсон ўзинг  
Мулки олам ичра бир хокон ўзинг, султон ўзинг,—  
деган хулосага келиши ҳам фикримизнинг далили деса бўлади.

Эркин Вохидов факат ижтимоий-ишқий шеърият яратиб қолмай, балки хажвий-юмористик шеърлар муаллифи ҳамдир. Унинг «Манфаат фалсафаси», «Сен менга тегма», «Мажлис қилинг», «Дониш қишлоқ латифалари» каби шеърларида ҳам қамоли инсон учун қураш муаммоси бош гоёни ташкил этади. Эркин Вохидов бир қатор ажойиб драматик дostonлар муаллифи сифатида ҳам маълум ва машҳурдир. Хусусан, унинг «Рухлар исёни», «Истамбул фожеаси» каби дostonлари ўзининг бадиий барқамоллиғи, ўткир драматик хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Айни чоғда у моҳир драматург ҳамдир. Унинг «Олтин девор» асари кўп йиллардан буён Ҳамза номи театр сахнасидан тушмай қелиши ҳам шундандир.

Еркин Вохидов оташин публитсист ва адабиётшунос сифатида хам самарали ижод килиб келмокда. Унинг «Шоиру, шеър, шуур» китоби шундан далолат беради. Шу билан бирга у мохир таржимон сифатида С. Есенин, Л. Украинка, М. Светлов, А. Блок, Р. Хамзатов, С. Капутикян каби истеъдодли шоирларнинг шеърларини ўз она тилида сўзлата олди. Унинг таржима сохасидаги махорати буюк немис шоири Гётенинг «Фауст» асари таржимасида (1974) юкори чўккига кўтарилди. Адабиёт олдидаги ана шу хизматлари учун у Ўзбекистон Республикаси халк шоири, Хамза мукофоти совриндори бўлди.